



Characteristics of the subjective element in the crime of HIV/AIDS transmission

Izzatullo RUZIEV ¹

Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received September 2025

Received in revised form

5 September 2025

Accepted 10 October 2025

Available online

25 October 2025

Keywords:

crime,
subjective side of crime,
guilt, motive,
purpose,
intent,
negligence,
two or more persons,
liability

ABSTRACT

This article examines the subjective aspect of the crime of endangering or transmitting HIV, as stipulated in part 4 of Article 113 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. The author analyzes the subjective significance of HIV transmission to two or more persons and argues for the necessity of supplementing the article with a new clause "in relation to two or more persons." Furthermore, considering that Article 113 of the Criminal Code addresses intentional commission of the crime, and that the transmission of HIV/AIDS to another person due to failure to perform or improper performance of professional duties is always committed through negligence, the author justifies transferring the fifth part of Article 113 of the Criminal Code to Article 116.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss10/S-pp30-39>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш жиноятининг субъектив томон белгилари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

жиноят,
жиноятнинг субъектив
томони,
айб,
мотив,
мақсад,
қасд,
эҳтиётсизлик,
икки ёки undan ортиқ
шахс,
жавобгарлик

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 113-моддаси 4-қисмида назарда тутилган ОИВ касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш ёки юқтириш жиноятининг субъектив томонига бағишланган. Муаллиф мақолада ОИВ касаллигини икки ёки undan ортиқ шахсга юқтиришни субъектив томондан ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини таҳлил қилиб, моддага янги "икки ёки undan ортиқ шахсга нисбатан" банд билан тўлдириш заруратини асослаган. Шунингдек, ЖК 113-моддаси жиноятнинг қасддан содир этилишини кўзда

¹ Doctoral student, Faculty of Postgraduate Education, Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan. E-mail: izzatillo.ruziyev1993@gmail.com

тутилганлигини, касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириш ҳар доим эҳтиётсизлик орқасидан содир этилишини инобатга олиб, ЖК 113-моддаси бешинчи қисмини 116-моддасига кўчириш асосланди.

Признаки субъективной стороны преступления распространения ВИЧ-инфекции/СПИДа

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

преступление,
субъективная сторона
преступления,
вина,
мотив,
цель,
умысел,
неосторожность,
два или более лица,
ответственность

Данная статья посвящена субъективной стороне преступления, предусмотренного частью 4 статьи 113 Уголовного кодекса Республики Узбекистан, а именно создание угрозы заражения или заражение ВИЧ-инфекцией. Автор анализирует субъективную значимость заражения ВИЧ-инфекцией двух или более лиц и обосновывает необходимость дополнения статьи новым пунктом "в отношении двух или более лиц." Кроме того, учитывая, что статья 113 УК предусматривает умышленное совершение преступления, а заражение другого лица ВИЧ-инфекцией/СПИДом вследствие неисполнения или ненадлежащего исполнения профессиональных обязанностей всегда совершается по неосторожности, автор обосновывает перенос части пятой статьи 113 УК в статью 116.

Жиноят субъектив белгилари объектив (ташқи) белгилардан фарқли ўлароқ, жиноят содир этган шахс билан боғлиқ белгилардир, яъни субъект жиноят содир этган шахс бўлса, субъектив томон жиноят содир этган шахснинг содир этаётган жинояти ва унинг оқибатига нисбатан руҳий муносабатидир.

Жиноятнинг объектив томони унинг фактик мазмунини белгиласа, субъектив томони жинойи қилмишнинг руҳий мазмунини белгилайди, яъни айбдорнинг руҳиятида кечувчи жараёнларни тавсифлайди. Субъектив томоннинг мазмунини бевосита ҳиссий идрок этиш мумкин эмас, уни фақат содир этилган жиноятнинг барча объектив ҳолатларини атрофлича таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш йўли билан аниқлаш мумкин. Жиноят субъектив томонинг мазмуни айб, мотив ва мақсад каби юридик белгилар ёрдамида ёритилади. Мазкур белгилар бир-бири билан узвий боғлиқ ва бир-бирини тақозо этиб, ҳар бири алоҳида мустақил мазмунга эга ҳисобланади. Жиноят мотиви ва мақсадини тўғри англаш ва аниқлаш жиноятни очишга, тергов олиб боришга ва квалификация қилишга. Шунингдек, келгусида жиноятларнинг олдини олишга хизмат қилади[1].

Жиноят ҳуқуқи назариячилари жинойи жавобгарликни изоҳлашда ҳар доим жиноятнинг субъектив томонига муҳим аҳамият берганлар.

Жиноят ҳуқуқига доир ўқув адабиётларда ва илмий мақолаларда онгли ирода ҳаракати жиноят бўлиши мумкинлиги, шахснинг содир этган жинояти учун субъектив томон жуда муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида кўплаб асослантирилган фикрлар мавжуд. Субъектив томон жиноят ҳуқуқи назариясининг энг муҳим қисмларидан биридир.

Жиноят содир этишда жиноят таркибининг субъектив томони асосий аҳамиятга эга, сабаби жиноят содир этиш учун объектив имкониятни ҳақиқий воқеликка айлантириш фақат тегишли шароитларда жиноят субъектининг иродаси ва онгига боғлиқ.

Жиноятнинг субъектив томони жиноий жавобгарликни асослаш, жиноятни квалификация қилиш ҳамда жазо тайинлашда муҳим аҳамиятга эга.

Шахснинг ўз қилмишига бўлган руҳий муносабати характерига кўра, жиноят таркибининг субъектив томони ўз ичига мотив (ният) ва мақсад (факультатив), айб каби зарурий белгиларни олади.

Б.Ф.Юсупов таъкидлашича, “фақат қонунда назарда тутилган айб шаклининг мавжудлиги аниқланган тақдирда содир этилган қилмишда жиноят таркиби ҳамда жиноий жавобгарлик учун асос мавжуд, деб топилиши мумкин” [2]. Жиноятнинг субъектив томонини аниқ белгилаш жиноятни тўғри квалификация қилиш ва шахснинг айби даражасини ҳисобга олган ҳолда адолатли жазо тайинлашнинг зарурий шартидир [3].

ЖКнинг 20-моддасига асосан. Ижтимоий хавфли қилмишни қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этган шахс жиноят содир этилишида айбдор деб топилиши мумкин. Айбнинг ушбу икки шакли ўзаро ақлий ва иродавий белгиларига кўра фарқланади. Улардан айбнинг қасд шакли жиноят субъекти содир этаётган қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ хусусиятини англаганлиги ва шундай қилмишни содир этишни истаганлиги билан хавфлидир.

Мотив ва мақсад орқали жиноятнинг хусусияти, қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси, қилмишнинг сабаби, субъектнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлари белгиланади. Мотив ва мақсадни тадқиқ этиб, В.Н.Кудрявцев мотив ўзида аниқ бир объектга йўналтирилмаган ички қўзғалишни намоён этади. Мақсад эса ушбу мотивни қондириш учун қандай натижага эришиш кераклигини кўрсатади деган хулосага келган [4].

М.Х.Рустамбоев жиноят мотиви – бу шарт бўлган муайян эҳтиёжлар ва манфаатларнинг анланган ёки анланмаган ички хоҳиш-нияти бўлиб, шахс жиноят содир этишда унга таянади. Мотив жиноий фаолиятга шахсни фаол қизиқтирувчи омил (стимул) ҳисобланувчи куч ва шиддат билан интилишини беради деб ҳисоблайди[5].

Юқорида ҳуқуқшунос олимлар томонидан билдирилган фикрлардан, қўйдаги қарашлар мавжуд, яъни шахс жиноят содир этишида аввал мотив пайдо бўлади, кейин эса мақсад шаклланади.

ОИВ касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш ёки юқтириш жиноятининг мотиви ва мақсади квалификацияни ўзгартириб, жиноий жавобгарликни оғирлаштирмайди. Чунки, қонун чиқарувчи томонидан Жиноят кодексида жиноятни тавсифловчи асосий белгилар сифатида кўрсатилмаган.

Таносил ёки ОИВ касаллигини юқтириш сабаблари турли хил бўлиши мумкин қасос, душманлик, ҳасад, нафрат, бошқаларга нисбатан аччиқланиш, алкоголь, гиёҳвандлик ва бошқалар таъсири остида ахлоқий назоратнинг пасайиши билан жинсий алоқа қилиш истаги ва бошқ.

Масалан, судланувчи Н.Б. ўзини ОИВ билан касалланганлигини била туриб, яъни 2016 йил 23 май куни Андижон вилояти ОИТСга қарши кураш маркази поликлиника бўлимида диспансер назоратига олинганлигини билгани ҳолда, поликлиника шифокорларининг огоҳлантиришларига қарамасдан ўзини ОИВ билан касаллигини яширган ҳолда фуқаро Р.Ж.билан ўзаро ишқий муносабатда бўлиб, ахлоқий назоратнинг пасайиши билан жинсий алоқа қилиш истаги сабабли фуқаро Ж.Р. билан жинсий муносабатга киришиб, уни ОИВ касаллигини юқтириш хавфи остида қолдирган[6].

Ушбу жиноятда айбдорнинг мақсади жиноят содир этиши натижасида келажакда бошқа шахсга азоб-уқубатларни келтириб чиқариш, соғлом одамнинг соғлигига путур етказиш ва бошқалар бўлиши мумкин.

ОИВ касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш ёки юқтириш жиноятининг субъектив томонини ташкил этувчи **айб шакллари** масаласи юзасидан ҳуқуқшунос олимлар ўртасида **турлича ва бир-бирига зид фикрлар** мавжуд.

Жиноят ҳуқуқи бўйича етук олимларнинг ОИВ касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш ёки юқтириш жиноятининг субъектив томони бўйича билдирган фикрларини ва илмий тадқиқот ишларини таҳлил этиб, уларни тўрт гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади, яъни:

Биринчи гуруҳ, М. В. Архипова, Д. В. Синьков[7], А. Н. Баринаова, О. Г. Хурцилова, С.Л. Плавинский, К.И. Разнатовскийларнинг[8] фикрига кўра “ОИВ касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш ёки юқтириш жинояти эҳтиётсизлик натижасида содир этилади”. Агарда шахс ўзида мавжуд бўлган ОИВ касаллигини қасддан бошқа шахсга юқтирса. Айбдор жиноят кодексининг қасддан баданга оғир шикаст етказиш билан жавобгарликка тортилиши керак, сабаби ушбу касалликни даволаб бўлмайди ва оқибати ўлим билан якунланади.

Биринчи гуруҳ жиноят ҳуқуқи олимлари томонидан билдирилган фикрларга қўшилмаймиз, чунки, биринчидан, жиноят қонунида ОИВ касаллигини юқтириш хавфи остига қолдириш ёки юқтириш субъектив томондан фақат қасддан содир

этилиши белгиланган. Иккинчидан, шахс ўзида ОИВ касаллиги борлигини аниқ билган холда бошқа шахсни касалликни юқтириш хавфи остида қолдиради ёки юқтиради.

Иккинчи гуруҳ, В.М. Кахний, И.А.Коробеев, Т.Б. Разгильдиев, Н.А.Красиковларнинг фикрига кўра ОИВ касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш ёки юқтириш жиноятнинг субъектив томони айбнинг қасд ёки бепарволик шаклида ҳам содир этилиши мумкин деб, ушбу жиноятнинг субъектив томонига нисбатан ўз фикрларини билдиришган[9].

Иккинчи гуруҳ жиноят ҳуқуқи олимлар ушбу моддада касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида бошқа шахсга касалликни юқтириш хавф остида қолдиришни ёки юқтиришини инобатга олиб ушбу жиноят айбнинг икки шаклида яъни, ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик натижасида содир этилишини изоҳлашган.

Учинчи гуруҳ, ҳуқуқшунос олимлари Л.А.Прохоров, М.Л. Прохорова[10], А.Н. Бурдинская[11], Р. Кабулов, А.А. Отажонов[12], М.Х.Рустамбаев[13], А.К.Теохаровлар[14], Т.Х.Куранбоев[15] билдирган фикрлари биринчи гуруҳ ҳуқуқшунос олимлар томонидан билдирилган фикрни рад этиб, ОИВ касаллигини юқтириш хавфи остига қолдириш ёки юқтириш тўғри ёки эгри қасддан содир этилади, дея таъкидлашган. Сабаби, ушбу касалликни тарқатиш учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонунда айбнинг бепарволик шакли кўрсатилмаган.

Учинчи гуруҳ олимлари билдирган фикрлари ОИВ касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш ёки юқтиришнинг субъектив томонига тўла мос келади. Яъни, мазкур жиноят *тўғри* ва *эгри* қасддан содир этилади, айбланувчи ушбу касаллик борлигини аниқ билиб, бошқа шахсга ҳам касаллик юқишини билади ва юқтириш натижасида келиб чиқадиган оқибатларни истайди. Айбланувчи ўзида ОИВ касаллиги борлигини аниқ билиши дейилганда, айбланувчига тиббиёт ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 23-сентябрдаги ЎРҚ-353-сонли “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги қонунинг 19-моддаси “ўз жинсий шеригига ўзида ОИВ инфекцияси мавжудлигини айтиши кераклиги” билан огоҳлантирилгандан кейин бошқа шахсга касалликни юқтириши тушунилади [16].

Масалан, судланувчи А.Б.да 2017 йилнинг 10 октябр куни Сурхондарё вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази шифокорлари томонидан ўтказилган тиббий кўрик вақтида одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ) касаллиги борлиги аниқланиб, марказ шифокорлари томонидан ОИВ касаллигини юқтирган шахс сифатида рўйхатга олиниб, касаллик ҳақида тушунтиришлар берилиб, бошқа шахсни ОИВ касаллигини юқтириш хавфи остида қолдирса ёки юқтирса ЖКнинг 113-моддаси билан жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилган бўлса-да, ўзига олдиндан таниш бўлган фуқаро Б.С. билан жинсий алоқада бўлиб, фуқаро Б.С.га ОИВ касаллигини юқтирган[17].

Ўзбекистон Республикаси ЖК 113-моддасининг 4-қисмида жавобгарликни

оғирлаштирувчи ҳолатларида айнан жиноятнинг субъектив томонига нисбатан оғирлаштирувчи ҳолатларнинг етарлича инobatга олинмаганлигини кўришимиз мумкин.

Хусусан, ушбу моддада икки ёки ундан ортиқ шахслар алоҳида жиноят-ҳуқуқий муҳофазага олинмаган. Айбланувчи ягона қасд билан икки ёки ундан ортиқ шахсни ОИВ касаллигини юқтириши ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси сезиларли даражада ортади. Шунингдек, ушбу моддада “икки ёки ундан ортиқ шахсни юқтириш” учун оғирлаштирувчи ҳолат назарда тутилмаганлиги сабабли амалдаги ЖКнинг 113-моддаси 4-қисми (битта шахсга нисбатан юқтириш хавф остида қолдириш ёки юқтириш назарда тутилган) билан жавобгарлик белгиланмоқда, бу эса ЖКнинг 8-моддасида баён этилган “Одиллик принципи”нинг бузилишига олиб келмоқда.

Шу муносабат билан биз ЖК 113-моддасининг 4-қисми жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларнинг рўйхатини кенгайтириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шуни қайд этиш жоизки, ОИВ касаллигини/ОИТСни тарқатиш жинояти бўйича 2019-2024 йиллар оралиғида чиқарилган суд ҳукмларининг таҳлилига кўра 12% ҳолатда айбланувчи бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан ОИВ касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш ёки юқтириш жинояти содир этилган[18].

Масалан, айбланувчи Н.А.да 2014 йил 10 июнь куни ОИВ касаллиги аниқланиб, ушбу касалликни бошқа шахсларга юқтирмаслик, юқтириш хавфини келтириб чиқарган тақдирда ЖКнинг 113-моддаси билан жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилган. Шунга қарамасдан фуқаро Н.А. ўзида ОИВ касаллиги борлигини била туриб, 2021 йилнинг 2 январь куни ягона қасд билан фуқаролар М.О. ва Ш.Б. билан ҳимоя воситаларисиз жинсий алоқага киришиб, уларни ОИВ касаллиги юқтирган[19].

Таҳлилларга кўра, аксарият хорижий давлатлар ЖКларида ҳам ушбу “икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан ОИВ касаллигини юқтириш” оғирлаштирувчи қисмда назарда тутилган. Жумладан: Қозоғистон Республикаси (ЖК 118-м. 3-қ.)[20], Беларус(ЖК 157-м. 3-қ.)[21], Россия Федерацияси (ЖК 122-м. 3-қ.)[22], Арманистон (ЖК 123-м. 3-қ.)[23], Молдава(ЖК 212-м. 3-қ.)[24].

Юқоридаги таҳлилларга асосан, ЖК 113-моддасини қўйдаги мазмундаги янги банд билан тўлдириш таклиф этилади:

а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан.

ЖК 113-моддасининг 5-қисмида назарда тутилган жиноятнинг ўзига хос хусусиятлари туфайли ушбу жиноятнинг субъектив томонини алоҳида кўриб чиқиш зарур ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, жиноят ҳуқуқи назариясида касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллигини юқтириш, эҳтиётсизлик (ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик) натижасида содир этилади деган фикр кенг тарқалган.

Бироқ жиноят ҳуқуқи олимлари ўртасида ушбу жиноятнинг субъектив томони бўйича турли қарашлар мавжуд, жумладан, Ю.Е. Пудовочкиннинг ёзишича, касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллигини юқтириш қасддан ёки эҳтиётсизлик билан содир этилади[25]. А.А.Отажонов[26], Ш.Дж. Хайдаровларнинг[27] фикрича ушбу жиноятнинг субъектив томони эҳтиётсизлик (ўз-ўзига ишониш ёки жиноий бепарволик) шаклида содир этилади.

Ю.Е. Пудовочкиннинг билдирган фикрларини қўллаб-қувватламаймиз чунки, касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллигини юқтириш қасддан содир этиладиган бўлса, 113-модданинг 4-қисми билан жавобгарликка тортилади.

Ушбу жиноятнинг субъектив томони бўйича А.А.Отажонов ва Ш.Дж. Хайдаровларнинг билдирган фикрлари мазкур жиноятнинг субъектив томонинг моҳиятини тўлиқ очиб бериши билан аҳамиятлидир.

ЖК 113-моддасининг 5-қисмида назарда субъектив айбнинг эҳтиётсизлик (ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик) шаклида содир этилади. А.С.Якубовнинг қайд этишича, “шахс қилмишида жиноий эҳтиётсизликнинг белгиларини аниқлаш қуйидагилардан иборатдир: ўз хулқ-атворининг оқибатлар юз бериши мумкинлигига илгаридан кўзи етмаслиги билан; шахснинг мазкур оқибатларининг келиб чиқишига кўзи етиши, унинг бурчи эканлиги билан; шахснинг мазкур оқибатларнинг келиб чиқишига кўзи етиш имконининг мавжудлиги билан изоҳланади”[28].

Шахснинг ўз касбига нисбатан бепарволиги ёки инсофсизлик билан муносабатда бўлиши туфайли бошқа шахсга ОИВ касаллигини юқтириши айбнинг эҳтиётсизлик шаклида содир этилади.

Эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятлар шахснинг ўз вазифасига совуққонлик билан бўлган муносабатлари натижасида ижтимоий манфаатларга бўлган лоқайд муносабатлар ва бошқалар туфайли содир бўлади.

Бепарволик – шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етмайдиган айбнинг бирдан-бир шакли. Аммо шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етмаслиги бундай оқибатлар юз беришига руҳий муносабат, умуман, мавжуд эмаслигини англамайди, балки мазкур муносабатнинг алоҳида шаклини ўзида ифодалайди. Эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган мазкур айб турининг моҳияти шу билан белгиланадики, шахс ўзи содир этаётган ҳаракатларнинг ижтимоий хавфли оқибатларини олдиндан кўра билиш имкониятига эга бўлган ҳолда, мазкур оқибатларнинг олдини олиш мақсадида зарурий ҳаракатларни бажариш учун лозим даражада эътиборлилик ва эҳтиёткорлик чораларини кўрмайди, амалда мавжуд имкониятни воқеликка айлантормайди.

Суд-тергов амалиётида касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги натижасида бошқа шахсга ОИВ касаллигини юқтириш, эҳтиётсизликнинг бепарволик турида кўплаб содир этилган.

Масалан, қон қўйиш лаборатория бўлими шифокор лаборанти М.Ж. ўтказилган бир маротабалик донор акцияси доирасида, донордан олинган қон намуналари лаборатория таҳлилларини ўтказишда фойдаланган “Microplate Raeder RT-2100C” аппаратини ва дозаторларининг мувофиқлик сертификатининг муддати тугаганлигини билгани ҳолда фойдаланиши натижасида тест система диагностика методик қўлланмасида кўрсатилган миқдордаги дозаларни бепарволик билан қўшилмаслиги натижасида фуқаролар Б.С. ва А.Д.ларга ОИВ касаллиги юққан.

Бундай ҳолларда тиббиёт ходимининг айби ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етмаганлиги, лекин касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажарган тақдирда кўзи етиши лозим ва мумкин бўлганлигида ифодаланади. Айни шу сабабли шифокорнинг ҳаракатларини жинойт қонунига мувофиқ жазога лойиқ бўлган ижтимоий хавфли қилмиш сифатида тавсифлаш имкониятини берувчи юридик мезонларни аниқ ва тўғри тушуниш зарурлиги тиббиёт ходимлари фаолиятининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Суд амалиёти замирида айни шу юридик мезонлар ётади. Тиббиёт ходими касб юзасидан ўз вазифаларини бажарар экан, у мазкур вазифаларни лозим даражада бажармаганлик туфайли амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган оғир оқибатларга сабаб бўлгани учун юридик жавобгарлик тури ва чорасини билиши, ҳеч шубҳасиз, зарур.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриш мумкинки, шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириш учун жавобгарлик ЖК 113-моддаси 5-қисмида белгиланиши баҳсли ҳолатларни келтириб чиқармоқда, жумладан:

Биринчидан, аввало, ЖК 113-моддаси жинойтнинг қасддан содир этилишини кўзда тутса, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик ҳар доим эҳтиётсизлик орқасидан содир этилади. Бу, ўз навбатида, ушбу модда бўйича қилмиш субъектив томонини баҳолашда чалкашликларни келтириб чиқаради. Бошқача айтганда, ЖК 113-моддаси барча қисмларида қасддан содир этиладиган жинойтлар тўғрисида сўз борсада, унинг бешинчи оғирлаштирувчи қисмида эҳтиётсизлик орқасидан қилмишни содир этганлик учун жавобгарлик белгиланганлиги, бизнингча, мантиққа зиддир.

Иккинчидан, касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириш махсус субъект томонидан содир қилинади. Бунинг учун жавобгарлик ЖК 116-моддасида назарда тутилган.

Учинчидан, касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириш учун жавобгарликни ЖК 113-моддаси бешинчи қисмида назарда тутилганлиги назарий ва амалий баҳс-мунозараларга сабаб бўлиши табиий. Энг ёмони, суд-тергов амалиётида бу борадаги жинойтларни квалификация қилишда

чалкашликлар, бир қилмишни бир неча моддалар билан жиноятлар жами сифатида нотўғри квалификация қилиниши натижасида жиноят қонуни принциплари бузилади. Шундай экан, бизнингча, юқоридаги таҳлиллardan келиб чиқиб, мазкур муаммони бартараф этиш мақсадида ЖК 113-моддаси бешинчи қисмини чиқариш мақсадга мувофиқ бўлади, чунки бундай ҳолатда шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтиришда қилмиш бевосита ЖК 116-моддаси тегишли қисми таъсир доирасига тушади.

Шуларни инобатга олиб, бизнинг фикримизча, ЖК 113-моддасининг бешинчи қисмини ЖК 116-моддасига янги 3-қисм сифатида кўчириш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Закирова У. Жиноят мотиви ва мақсадининг қилмишни квалификация қилишдаги аҳамияти // Юридик фанлар ахборотномаси. Илмий-амалий ҳуқуқий журнал. – Тошкент, 2018. – №2. – Б.116–121.
2. Юсупов Б.Ф. Суд ҳужжатларини бажармаганлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари. –Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011. –Б.115-116.
3. Мирзаев У. М. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талонторож қилиш учун жавобгарлик. Монография. // Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. Б.Ж.Ахраров. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. –Б.75
4. Кудрявцев В.Н. Генезис преступления. Опыт криминологического моделирования. М.,1998. С. 101.
5. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. I том. Умумий қисим. –Т.: “Ilm ziyo” 2010., -Б.198.
6. Жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти суди архивидан: 1-1709-2201/261-сон жиноят иши. <https://public.sud.uz/#!/sign/criminal>
7. Архипова М. В., Синьков Д. В. Преступления против личности. Иркутск: БГУЭП, 2007. С. 64.
8. Баринаова А. Н., Хурцилова О. Г., Плавинский С. Л., Разнатовский К. И. Уголовная ответственность за заражение венерическими заболеваниями. Некоторые сложные вопросы и пути их решения // Вестник Северо-Западного государственного медицинского университета им. И. И. Мечникова. СПб., 2012. № 1. Т. 1. С. 94.
9. См., например: Кахний М. В. Особо квалифицированные виды изнасилования: проблемы теории и правоприменения // Современное право. М., 2007. № 9. С. 63–64; Коробеев А. И. Указ. соч. С. 268; Разгильдиев Б. Т., Красиков А. Н. Уголовное право Российской Федерации. Особенная часть : учебник. Саратов : СЮИ МВД России, 1999. 672 с.
10. См., например: Прохоров Л. А., Прохорова М. Л. Указ. соч. С. 153.

11. Бурдинская А.Н. Преступное инфицирование вирусом иммунодефицита человека: уголовно-правовая и криминологическая оценка: диссертация ... кандидата юридических наук : 12.00.08. – Владивосток, 2017. – С. 118.
12. Кабулов Р., Отажонов А.А. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар: Ўқув қўлланма /– Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – Б.96.
13. М.Х.Рустамбаев. Жиноят кодексига шарҳ махсус қисм / М.Рустамбоев. – Тошкент: «Адолат», 2016. – Б. 84.
14. Теохаров А.К. Противодействие заражению инфекционными заболеваниями: уголовно-правовой и криминологический аспекты: диссертация ... кандидата юридических наук: 12.00.08. – Омск, 2013. – С. 97.
15. Куранбоев.Т.Х. Таносил ёки оив касалликлари ҳамда оитсни тарқатиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишни такомиллаштириш: Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси . – Т., 2024. – Б. 25.
16. Ўзбекистон Республикасининг 2013-йил 23-сентябрдаги “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (оив инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-353-сон Қонуни//URL: <https://lex.uz/docs/2240470>
17. Жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди. www.public.sud.uz.
18. Ушбу статистик маълумот Республика бўйича тўпланган 380 та жиноят иши материаллари таҳлили асосида аниқланди.
19. Жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман суди. www.public.sud.uz.
20. Уголовный кодекс Республики Казахстан. Электрон манба. URL: https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575252&pos=131;-48#pos=131;-48
21. Уголовный кодекс Республики Беларусь. Электрон манба. URL: <https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=hk9900275>
22. Уголовный кодекс российской федерации. Электрон манба. URL: https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/
23. Уголовный кодекс Республики Армения. Электрон манба. URL: <https://hrlib.kz/document/176585>
24. Уголовный кодекс Республики Молдова. Электрон манба. URL:<https://continent-online.com/Document/?docid=30394923#pos=6;-142>.
25. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации (постатейный) / Под ред. А.В. Бриллиантова. - М.: Проспект, 2010. - С. 442.
26. Кабулов Р., Отажонов А.А. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар: Ўқув қўлланма /– Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – Б.97.
27. Хайдаров Ш.ДЖ. Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик: .ю. д. ...дис. – Тошкент. 2025. – Б.69.
28. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. – Тошкент: Адолат, 1997. – Б. 42.